ЮСУПОВ Э.

# МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИ ХАЛҚНИ

# БИРЛАШТИРИШДАГИ РОЛИ

*Ўқув қулланма*

*Тошкент 2003*

ЮСУПОВ Э.

# МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИ ХАЛҚНИ БИРЛАШТИРИШДАГИ РОЛИ.

*Ўқув қулланма*

Sam DTI
axborot-resurs markazi

Тошкент 2003

**Халкимизнинг мустакиллик учун кураши ва унинг боскичлари, мустакиллик сари йул тутилиши.**
**Давлат мустакиллиги ва унинг тарихий ахамияти.**

1. Миллий мустакиллик гоясининг илдизлари. Халкимизнинг мустакиллик учун кураши ва унинг боскичлари.

2. Узбекистонда миллий тикланишнинг янги боскичи, истиклол учун кураш тенденциясининг кучайиши.

3. СССР парчаланишининг объектив ва субъектив сабаблари. Узбекистонда сиёсий мустакил давлат куриш ва иктисодий мустакилликнинг амалий вазифага айланиши. Мустакилликнинг эълон килиниши ва унинг тарихий ахамияти.

4. Узбекистонда уз такдирини узи белгилаш хукукининг парламент йули билан амалга оширилиши.

Мустакиллик, озодлик узбек халкининг асрий орзуси эди. Бир асрдан ортик давр ичида мустамлакачилик сиёсати окибатида сиёсий тараккиётимиз суст ривожланди, иктисодиётимиз бир томонлама ривож топди, маънавий кадриятларимиз оёк ости килинди.

Тарихдан маълумки, халкимиз эркпарвар халк булиб, юртимизга килинган хар бир боскинчиликка карши озодлик курашлари билан жавоб берганлар. Юртимизнинг миллий истиклол учун кураш гоясининг илдизлари узок утмишга бориб такалади.

Миллий мустакиллик учун кураш Туркистон Россия томонидан босиб олинганидан кейин айникса кучайди. Халкимизнинг мустакиллик учун кураши Пётр I даврида узбек хонликларига килинган юришлар давридаёк бошланган эди. XIX асрнинг 60-йиллари урталарида узбек хонликларининг мустакиллигига бархам берилиб мустамлакачилик тартиблари урнатилди. Чоризмнинг узбек хонликларида юритган мустамлакачиликсиёсати Марказий Осиё халкларининг чоризмга ва унинг улкадаги маъмурларига карши курашига сабаб булди.

1856, 1873 й. Сирдарё вилоятида, 1869 й. Самаркандда, 1843-76 й. Куконда, 1879 й. Маргилонда, 1880 й. Хужандда, Уратепада, 1889 й. Наманганда ва Ушда, 1885 й. Фаргонада, 1892 й. Тошкентда, 1898 й. Андижонда халк галаёнлари булиб утди. Бу галаёнларда халк галабага эришмаган булсада, сиёсий онги усди, мустамлакачилик тартибларига карши норозиликлари янада кучайди.

Чор Россияси хукмронлиги урнатилгач Туркистонда 4600 дан зиёд халк исёнлари булиб утган.

Халкимизнинг рус мустамлакачилигига карши курашини 3 боскичга булиш мумкин:

1-даври Пётр I давридан, дастлабки экспедициялар жунатилган,юришлар килинган даврдан XIX асрнинг охирига кадар булган даврни уз ичига олади.

2-даври XX асрдан бошланиб, Туркистон улкаси, Бухоро амирлиги, Хива хонликларига капиталистик тартибларнинг кириб келиши билан миллий зулм янада кучайган. Юртдошларимизнинг бу даврдаги мустакиллик учун курашларига 1-рус инкилоби, Туркия, Эрон, Хиндистон, Хитойдаги демократик харакатлар хам таъсир курсатган. 1905 й. Наманган, Андижонда, 1906 й. Тошкентда, 1916 й. бутун Туркистонда халк галаёнлари булиб утди.

Бу даврдаги мустакиллик учун курашда жадидчилар харакати мухим роль уйнаган. Бу хам маърифий, хам ижтимоий, хам сиёсий харакат эди. Жадидчилик харакатининг гоявий асосчиси И.Гасаиралининг Туркистонга келиши, истиклол хакидаги фикрларнинг улкага ёйилиши М.Бехбудий, Мунавваркори, Ашурали Зохирий, Обиджон Махмудов, Убайдулла Хужаев каби кишиларни курага отлантирди. Уларнинг харакатлари билан Туркистон ва Бухоро амирлигида "Турон", "Гайрат", "Катъият", "Бирлик", "Турк учоги", "Тарбияи атфол", "Таълими маориф" каби жамиятлар пайдо булди.

20-30-йилларда собик иттифок даврида миллий кадрларга нисбатан нотугри бахо берилиб, жадидчилик реакцион буржуа харакати деб бахо берилиб келинди.

Мустамлакачи кучларга карши курашдаги дастлабки мафкура ислом гояси асосида шаклланган жадидчилик булди. "Жадидлар", "Ёш бухороликлар", "Ёш хиваликлар", "Турк одами марказий федералист фиркаси", социалитик "Эрк" каби халк харакатлари - панисломизм, пантуркизм, "Шурои Ислом", "Шурои Уламо", "Турон" ва бошкалар жадидчилик замирида вужудга келди.

Махаллий халкнинг катта кисми большевикларнинг берган ваъдаларига ишониб куп марта алданганлар. Октябрь инкилобидан кейин бошланиб кетган истиклолчилик харакати милий озодлик харакатида катта роль уйнайди.

Мустакиллик учун курашнинг 3-даври 1917 йил рус инкилоблари даври бошланган. Бу даврда эрк учун олиб борилган харакатда Туркистон мухторияти алохида урин эгалларди.

1920 й. "Миллий Иттиход" ташкилоти тузилиб, муфти Садриддин хужа Шарафхужаев бошчилик килган. Бу ташкилот Марказий Осиё республикаларини бирлаштирувчи иттифок тузишга харакат килган. Улар 1924 й. давлат чегараланиши мустакилликка олиб келади, деб ишонганлар.

20-30- йилларда "буржуа миллатчилигига" карши кураш бахонаси билан оммавий катагонлар булиб, А.Икромов, Ф.Хужаевлар бу катагонларнинг илк курбонлари булдилар.

50-70 йилларда Н.Мухиддинов, Ш.Рашидовлар "Занжирбанд хукмдор" булиб фаолият курсатдилар.

СССР даврида хам Узбекистон Россиянинг хом-ашё манбаи булиб колди. Айрим маълумотларга кура олиб кетилган пахтамизнинг киммати 50 млд. долларни, олтинларимиз 20 млд. долларни ташкил этади.

Албатта собик иттифок даврида бошка республикалар катори Узбекистоннинг киёфаси жиддий равишда узгарганидан. иктисодиётимиз, маданиятимиз, фанимиз ривож топганидан куз юма олмаймиз.

70-80 йилларда Узбекистоннинг сиёсий, иктисодий, ижтимоий тараккиётида танглик кучайди. Натижада 80 йилнинг урталарида кайта куришнинг объектив зарурияти вужудга келди.

80 йилнинг урталарида миллий тикланишнинг янги боскичи бошланди. Бу давр мустакиллик учун курашдаги янги 4-даврдир. 1984-89 йилларда Гдланчилар "адолат химоячилари" сифатида миллий кадрларимизни бадном килишга, "Узбеклар маонияси" номи билан иш бошлаб кенг жамоатчилик орасида узбекларни обрусизлантиришга уриндилар.

1985 йилда бошланган кайта куриш даврида олиб борилган сиёсатга нисбатан норозиликлар матбуотда ошкора чикишларга, демократик интилишларга олиб келди. Бу давр миллий уйгонишнинг янги даври эди. Унинг махсули сифатида узининг харакат дастурига долзарб ижтимоий-иктисодий муаммоларини асос килиб олган "Бирлик", "Тумарис" каби ижтимоий-сиёсий харакатлар вужудга келди.

Миллий тикланишнинг янги боскичида И.А.Каримовнинг республика рахбарлигига кутарилиши мухим вокеа булди. 1989 йил Узбекистон Компартиясининг биринчи секретари сифатида катта сиёсий фаолиятини бошлади. Собик иттифокда биринчи булиб 12-чакирик Узб. Олий Советининг биринчи сессиясида Узбекистонда Президентлик бошкарувини таъсис этиш хакида карор кабул килинди. Нихоят 1991 йил декабрида халкимиз уз тарихида биринчи марта Узбекистон Республикаси Президентини сайлашга эришди. 1989 йил Узбек тилига давлат макоми берилиши катта вокеа булди.

80 йилларнинг охирида собик иттифок таркибида булган республикаларнинг купчилиги СССР тизимидан чикиш масаласини кутардилар ва окибатда 1990 йил охирларига келиб Латвия, Литва, Эстония, кейинрок Грузия, Озарбайжон иттифок таркибидан чикиб кетди, окибатда СССРнинг бутунлигига путур етди. 1991 йил Озарбайжон билан Арманистон тогли Корабог масаласида бир-бирлари билан конли урушларни бошладилар, Молдавияда рус-сий забон ахоли билан мусулмон гагаузлар уртасида тукнашувлар бошланиб кетди. 1991 йил мартида Киевда, 1991 йил апрелда Москва якинидаги Нова-Огарёвада СССР президенти ва 9 та республика рахбарлари билан эришилган битимга мувофик мамлакатдаги вазиятни баркарорлаштириш буйича кечиктириб булмайдиган чоралар тугрисида баёнот имзоланиб, бу баёнот "9-1" номини олди. Бирок бу баёнот асосида нихоят июнь ойида "Суверен Давлатлар иттифоки тугрисида" шартнома тузишни охирига етказишга харакат килинди, аммо Москвадаги давлат тунтариш килишга уриниш бу муаммони хал этишга имкон бермади.

КПСС МК ва иттифок идоралари, мудофаа, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик кумитасининг бир канча рахбарлари томонидан фавкулотда холат Давлат Кумитаси тузишга уриниши муносабати билан 1991 йил 19-21 август кунлари Москвада фожиали вокеалар руй берди. Россия Федерацияси рахбарияти ташаббуси билан демократик позициядаги Москваликлар томонидан фавкулотда исённи бостириши СССРнинг кейинги такдирида туб узгаришлар булишига олиб келди.

Кенг жамоатчилик ФХДКнинг улуг давлатчилик, мустамлакачилик, товинистик максадларини кораладилар. ФХДК томонидан карам халкларнинг уз эркинликлари, мустакиллик харакатларини кораланиши Узбекистондаги миллий уйгониш жараёнини кучайтирди. Бу суверен мустакил Узбекистон Республикаси барпо булишига сезиларли туртки булди.

80 йилларнинг иккинчи ярмида собик иттифок, жумладан Узбекистонда руй берган узгаришлар, жамиятни демократлаштириш ва ошкораликни карор топтиришга уриниш, баъзан шошма-шошарлик билан утказилган ислохотлар кутилган натижаларни бермади. 90 йилларда "Мустакил давлатлар хамкорлиги" деган тушунчалар пайдо булди. Якка партия хукмронлигига асосланган кайта куриш 6 йил давомида илмий асосланган дастурсиз олиб борилди.1981-91 йиллар даврида жахонни ларзага солган иттифок ичдан чириб бормокда эди. Бу даврда республикалар билан марказ уртасида "совук уруш" кескинлашди. Шу нуктаи назардан Москвадаги юзага келган давлат тунтариши тасодифий вокеа эмас эди. Москвадаги вокеалар собик иттифок республикаларининг инкилобий интилишларини жадаллаштирди ва СССР иттифокидан бирин-кетин чикиб кетиб, мустакил давлатга асос солинди.

1991 йил 31 августда Узбекистон Республикасининг давлат мустакиллиги тугрисида Олий Кенгаш Баёноти эълон килинди (Олий Кенгашнинг навбатдан ташкари 6-сессияси 28-31 август кунлари булган). Сессияда бундан ташкари "Узбекистон Республикасининг Давлат Мустакиллиги асослари тугрисида" Конун бир овоздан кабул килинди. Шу кундан эътиборан юртимизнинг такдирида, тарихида янги давр бошланди.

**Суверен демократик республика - Узбекистоннинг маъмурий-худудий тузилиши ва бой имкониятлари.**

1. Узбекистон Республикасининг худуди, чегаралари, маъмурий-худудий тузилиши.
2. Республика ахолиси, унинг миллий таркиби ва давлат рамзлари.
3. Узбекистон - табиий ресурслар мамлакатидир.

Узбекистон Осиё материгининг марказида Сирдарё ва Амударё оралигида жойлашган. Республика территорияси 447,4 минг кв. км. булиб Узбекистон шимолий-шаркда Киргизистон, шимол ва шимолий-гарбда Козогистон, жанубий-гарбда Туркманистон, жанубий-шаркда Тожикистон, жанубда кисман Афгонистон билан чегарадош.

Узбекистон Республикаси асосан Амударё ва Сирдарё оралигида жойлашган булиб, шимолий-гарбда Турон пасттекислиги, жанубий-гарбда Тянь-Шон ва Олой тог тизмалари, жанубий-гарбда Кизилкум чулларининг бир кисмини эгаллайди.

1991 йил 20 ноябрда Олий Кенгаш томонидан кабул килинган "Узбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишига доир масалаларни хал этиш тартиби тугрисида"ги Конунга мувофик Коракалпагистон Республикасидан ташкари вилоятлар, туманлар, шахарлар, шахарлардаги туманлар, кишлоклар, овуллар ва шахарчалар хам Узбекистон Республикасининг маъмурий-худудий кисмлари хисобланади. Узбекистон билан Коракалпагистон уртасидаги узаро муносабатлар тенг хукукийлик асосида курилган булиб, Коракалпогистон уз конституцияси, Жугори Кенгесига эга ва истаган вактда Узбекистон таркибидан чикиб кетиши мумкин.

Узбекистоннинг маъмурий тузилмасида 12 та вилоят ва Коракалпогистон Автоном Республикаси булиб, Коракалпогистон худудида 15 та, вилоятларда 144 та район мавжуд.

Узбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши Узбекистон Республикаси Конституциясининг 4-булими, 16-17-бобларида уз ифодасини топган.

Зарур холларда вилоятларни ташкил этиш ва тугатиш Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Вазирлар Махкамасининг таклифи, тегишли халк ноиблари вилоят кенгашларининг илтимосларига мувофик амалга оширилади.

Республикада туманларни, шахарлардаги туманларни ташкил килиш, тугатиш хам Узбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан Вазирлар Махкамасининг таклифи, йириклаштирилган ёки тугатилаётганлари, халк депутатлари туман кенгашлари, шахардаги туман кенгашлари, тегишли халк ноиблари вилоят кенгашлари, Тошкент шахар кенгаши илтимосларига биноан амалга оширилади. Кораколпогистон Республикасида бу ишлар Кораколпогистон Республикасининг Олий хокимият органи зиммасидадир.

Республика ахолиси 23 млндан зиёд булиб, 129 миллат ва элатлар истикомат килади.

Узбекистон Республикаси ахолисининг миллий таркиби фоиз хисобида куйидагича:

| | |
|---|---|
| Узбеклар | - 71,4% |
| Руслар | - 8,3% |
| Тожиклар | - 4,7% |
| Козоклар | - 4,1% |
| Татарлар | - 2,4% |
| Коракалпоклар | - 2,1% |
| Бошка миллат вакиллари 7% | |

"Узбекистон ахолисининг куп миллатлилиги узбек халкининг миллий узлигини англаши ва маънавий кайта тикланишнинг усиши билан чамбарчас боглик холда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зур куч булиб хизмат килмокда. Бу республиканинг жахон хамжамиятига кушилиши учун кулай шарт-шароит яратмокда."

Президентимиз таъкидлаб утканидек "Хар кандай миллат, у накадар кичик булмасин - инсониятнинг бойлигидир ва хар кандай миллий бойликнинг, унинг тил, маданий ва бошка хусусиятларининг йук булиб кетиши ер

юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг кашшоклашувига олиб келади. Шу боис хар бир этник бирликни саклаб колиш унга мансуб одамларнинг энг мухим максади булиши лозим".

Узбекистон худудида истикомат килувчи бошка миллат вакилларининг манфаатлари хам эътиборга олиниб мактабларимиз ва укув юртларимизда укитиш 8 тилда олиб борилмокда, 80 дан ортик миллий-маданий марказлар фаолият курсатмокда. Узбекистон Республикаси Конституциясида "Узбекистон халкининг миллатидан катъий назар Узбекистон Республикасининг фукаролари ташкил этади", - деб таъкидланган.

Узбекистон Республикасининг "Фукаролар сайлов хукукларининг кафолатлари тугрисида"ги Конуни Узбекистон Республикасининг хамма фукароларига, ижтимоий келиб чикиши, ижтимоий ва мулкий мавкеи, иркий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга нисбатан муносабати, машгулотининг тури ва хусусиятидан катъий назар тенг сайлов хукукини беради.

Узбекистон Республикаси уз давлат рамзлари, Байрок, Герб, мадхияси ва миллий валютасига эга.

Рамзлар - бу шартли белгилар булиб, улар кадим даврлардаёк турли халкларда у ёки бу ходиса, олам, мавжудот, одамлар тасвирини ифодалаган.

Рамзлар халк, миллат хаёти, анъаналари, психологияси, фольклори, тарихи билан чамбарчас боглик.

Тарихдан маълумки, масалан, Амир Темур давлатининг уз рамзий байроги булган.

Давлат рамзларида халкнинг азалий орзуси, унинг эзгу ниятлари, бугунги хаёт мазмуни акс этиши лозим.

Республикамизда давлат мустакиллиги эълон килингандан кейин, буни акс эттириши лозим булган рамзларни ишлаб чикиш зарурияти тугилди. 1990 йил 30 мартда "Узбекистон Республикасининг Давлат мадхияси тугрисида" карор кабул килинди ва шу карор асосида кенг ишлар бошлаб юборилди. Танлов асосида Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 10 декабрда булиб утган XI сессиясида Узбекистоннинг давлат мадхияси А.Орипов сузи, Мутал Бурхонов мусикаси билан кабул килинди.

1991 йил 15 февралда "Узбекистон ССРнинг давлат рамзлари тугрисида" Узбекистон Олий Кенгашининг карори кабул килиниб, тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

1991 йилнинг 18 ноябрида 12 чакирик Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 7-сессиясида Узбекистон Республикасининг миллий байроги тасдикланган.

Узбекистон Республикасининг давлат герби 1992 йил 2 июнда 12 чакирик Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида кабул килинган.

Республикамиз 1994 йилнинг 1 июлида миллий валюта - сумни жорий этди.

Ватанимиз рамзлари Узбекистон халкларининг шон-шарафи, гурури, тарихий хотираси ва интилишларини узида мжассамлаштирган.

Узбекистонда географик ва табиий шароитнинг кулайлиги иктисодий, маданий, маънавий тараккиётимиз учун имконият беради.

Марказий Осиёдаги барча мехнат ресурсларининг 40% га якини Узбекистон хиссасига тугри келади.

Республикаси ривожланган куп тармокли кишлок хужалигига эга булиб, асосан сугориладиган дехкончиликдир.

Узбекистон жахондаги энг йирик пахта етиштирадиган улкалардан булиб, бутун Марказий Осиёда 2 млн. тоннага якин пахта толаси етиштирилган булса, шундан 1,5 млн. тоннаси Узбекистон хиссасига тугри келади. Узбекистон пахта етиштирувчи давлатлар ичида жахонда туртинчи уринда, пахта махсулотларини экспорт килувчи мамлакатлар ичида иккинчи уринни эгаллайди.

Хар йили улкамиз далалари, полиз ва богларида 5 млн. тоннага якин мева ва сабзавотлар етиштирилади.

Республикамизда ирригация иншоотларининг кенг тармоги вужудга келтирилган. Мамлакатимизда 20 та йирик сув омбори булиб, 160 минг кмга чузилган.

700 та кон тадкик этилган булиб, уларда 95 та хар хил минерал хомашёлар мавжудлиги аникланган. Фойдаланилаётган 370 та конлардан хар йили 20 млн. тоннагача хом-ашё казиб олинмокда. Кон захираларининг киймати 3 триллион АКШ долларига тенгдир. Олтин, кумуш, уран, мис, молибден, кургошин, рух, вольфрам ва бошка нодир металлар захираси буйича Узбекистон дунёда етакчи уринларни эгаллайди. Жахонда олтин казиб чикаришнинг умумий хажми буйича 7 уринда, захиралари буйича 4 уринда туради.

Узбекистон кудратли, ривожланган энергетика, йирик индустриал манбааларига, ривожланган ички ва ташки транспортига, тараккий этган алока тизимига, сайёхлик тармогини ривожлантириш учун кулай имкониятларга эга.

Юртимизнинг иктисодий, ижтимоий омиллари, имкониятлари Ватанимизнинг жахон бозоридан мунсиб урин олишига ва тараккий этган давлат даражасига кутарилишига имкон беради.

**Хукукий давлат барпо этиш ва унинг янги жамият куришдаги ахамияти. Узбекистон демократик, одил, фукаролик жамияти куриш йулида.**

1. Хукукий давлат тушунчаси, уни барпо этиш йуллари.
2. Узбекистонда давлат хокимиятининг тузилиши ва унинг янги жамият куришдаги роли.

3. Демократик хукукий давлат куриш фукаролик жамиятининг мухим боскичи.

4. Узбекистонда одил, фукаролик жамияти куриш демократлаштиришнинг олий максади.

Узбекистон Республикаси уз мустакиллигига эришгач хукукий демократик давлат круиш йулини белгилади. Хукукий давлат назариясининг тарихи узок утмишга бориб такалади.

Маълумки, хокимиятлар такимланиши хукукий давлатнинг зарурий шартидир. Бу принцип хокимиятнинг суистеъмол килинишига тусик куяди, фукароларнинг мансабдор шахслар тазйикидан химоя килади, давлат идоралари фаолиятининг самарали булишига ёрдам беради.

Хокимиятлар таксимланиши назарияси кулдорлик даврига бориб такалади, аммо хукукий-сиёсий таълимот сифатида XVII-XVIII асрларда буржуа инкилоблари даврида шаклланди. Хокимиятларнинг конун чикарувчи, ижро этувчи ва федерал турларга булиниши Жон Лонкнинг фикрига, инсон хукукларини таъминлашнинг энг мухим воситаларидан биридир. Бунда "барча конун чикарувчи хокимиятга итоат этади, чунки у конунларни урната оладиган энг олий идорадир".

Француз тарихчиси ва файласуфи Шарл Монтескьенинг фикрича "адолатли курилган давлатда хокимият ягона эмас, балки бир-бирига тобе булмаган учта хокимият - конун чикарувчи, ижро этувчи ва суд хокимиятига булиниши шарт. Улар мутлако бир киши кулида тупланмаслиги керак.

Узбекистон Республикаси хукукий давлатчиликка уз йули билан боради. Узбекистон Республикасининг 1992 йилги янги Конституиясида хокимиятлар тахсимланиши принципи узининг конуний ифодасини топган. Конституциянинг 11-моддасига асосан, Узбекистон Республикасида давлат органларининг тизими хокимиятларнинг конун чикарувчи, ижро этувчи, суд хокимиятига тахсимланиши принципига таянади. Олий Кенгаш 250 депутатдан иборат. Олий Мажлис депутатлари куп партиявийлик асосида худудий округлардан сайланадилар.

Хукукий давлат - бу фукаролик жамияти шаклидир ва давлат хукукий булиши учун кучли, хаёт кечириб кета оладиган, эрксевар, хар кандай антидемократик тажовузларга каршилик курсата оладиган жамият булиши керак.

Фукаролик жамияти - бу сиёсий ва иктисодий тизимни демократлаштиришдир. Фукаролик жамиятида хужалик турмуши буйрук асосига эмас, шартнома асосига курилиши лозим. Жамиятнинг хукукий онги ва хукукий маданияти хам хукукий давлатнинг мухим омили ва шартидир. Хукукий давлатнинг мухим хусусияти давлат ва шахс уртасидаги муносабатларнинг хукукий тусда булишидир. Хукукий давлатда инсонпарварлик, инсон хакида гамхурлик юкори даражада булади. Хукукий давлатнинг эгн мухим хусусияти фукароларнинг конун олдида тенглигидир. Хукукий давлатда инсон хаёти, кадр-киммати, хукук ва эркинликлари, бурчлари Конституция ва конунларда тан олинади ва химоя килинади. Хукукий давлатда конун устивор булди. Конун устун булган жойда адолат урнатилади, одамларда келажакка ишонч булади, фукароларнинг конунга ишончи булади, ахлоксизлик ва жиноят камаяди.

Мустакиллигимиз йилларида юзлаб конунлар кабул килинди. "Давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш тугрисида", "Банклар ва банк фаолияти тугрисида", "Узбекистон Республикасининг ташки иктисодий фаолияти тугрисида" ва х.к.

Президентимиз бир катор асарларида хукукий давлатни барпо этиш йуллари, боскичларини аниклаб берди.

1992 йил 8 декабрда кабул килинган Узбекистон Республикасининг Конституцияси хукукий давлатни барпо этишда хал килувчи уринни эгаллайди.

Давлат хокимияти тизимида ва демократик жамият куришда Президентнинг роли катта булиб, Конституцияга биноан у давлат ва ижро этувчи хокимият бошлигидир. У айни пайтда Вазирлар Махкамасининг раиси хисобланади.

Президент сайлаш ва унинг ваколатлари хам конун билан белгиланган.

Вазирлар Махкамаси иктисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий сохаларнинг самарали фаолиятига рахбарликни, конунлар, Олий Мажлиснинг бошка карорлари, Республика Президентининг фармонлари, карорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Махаллий давлат хокимияти хам давлатнинг мухим таркибий кисмидир. Хокимлар бошчилик киладиган халк депутатлари кенгашлари хокимиятнинг вакиллик органи булиб, ваколатларига таалукли масалалани хал этадилар.

Фукаролар йигинлари уз-узини бошкариш органлари булиб, улар икки ярим йилга раисни (оксокол) ва унинг маслахатчиларини сайлайди.

Суд хокимияти Республика Конституцияси томонидан кафолатланиб, конун чикарувчи, ижро этувчи хокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошка жамоат бирлашмаларидан мустакил холда иш олиб боради.

Давлатнинг асосий вазифаси халк манфаатларига хизмат килишдир.

Республика худудида конунларнинг аник ва бир хилда бажарилиш устидан назоратни Республиканинг Бош прокурори ва унга буйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Республикамиз демократик хукукий давлат куриш йулини белгилаган экан, бундай давлатни барпо этишнинг шартларини хам эътиборга олиш лозим. Булар куйидагилардир:

1. Узбекистонда барпо этилган давлат энг аввало, умумжахон цивилизациясига, давлат курилиши сохасида бошка халклар кулга киритган ижобий тажрибаларга суянади.

2. Буюк ватандошларимиз бутун дунё тафаккури хазинасига улкан хисса кушдилар, катта маъанвий мерос колдирдилар. Давлатимиз буюк мутафаккирларимиз фикрларига уйгун холда шаклланиши лозим.

3. Хозирги даврда демократик жамиятнинг бутун дунё тан олган тамойиллари мавжуд. Узбекистон бу тамойилларни тан олган холда узига хос

хусусиятлардан келиб чикиб, шаркона демократик хусусиятларини хам эътиборга олиб уз давлатчилигини шакллантиради, ривожлантиради.

4. Демократик жараёнлар халкимизнинг миллий маданиятини узига хос жихатларини, унинг табиатини узида мужассам этмоги лозим. Гарб намунаси куп холларда индивидуализм фалсафасига таянади ва оммани хаддан ташкари сиёсийлаштиришга олиб келади. Демократия тушунчаси бизда хамжихатлик гояси, жамоятчилик фикрининг устунлиги заминида шаклланади.

5. Куриладиган давлатимиз шунчаки давлат эмас, демократик давлат булими ва одил жамият барпо этилиши лозим. Урта асрлардаёк буюк мутафаккирларимиз томонидан давлат ва жамият муаммолари хакида мухтасар фикрлар айтилган.

Биз демократик, хукукий давлат, фукаролик жамияти курмокчимиз. Бу тугрисида Конституциямизда хам белгиланган булиб, бунга кура фукаролар билан давлат узаро хукуклар ва бурчлар оркали узвий богланган, фукароларнинг хукуклари ва эркинликлари дахлсиздир.

Фукаролик жамияти куришнинг маъноси шуки, давлатчилик ривожланиб борган сари бошкарувнинг турли вазифалари бевосита халкка топширилди, яъни уз-узини бошкариш органлари янада ривожлантирилади. Лекин утиш даврида кучли бошкарув аппарати, давлат органлари зарурдир.

Маълумки, янги жамият куриш жараёнида утмишда синалган анъанавий бошкарув идоралари хокимликлар тикланди. Демократиянинг кисман чекланиши, давлат органлари фаолиятининг кенгайтирилиши вактинча, зарурий тадбирдир. Бирок хакикий миллий равнакка давлат хокимияти вазифалари катъий ва мукаммал белгилаб, чеклаб куйилган фукаролик жамияти шароитидагина эришиш мумкин. Бундай жамиятда давлатнинг бош вазифаси тараккиёт стратегиясини аник белгилаш ва уни хаётга тадбик этиш учун катъий назорат олиб боришдан иборат.

Фукаролик жамиятида давлат хокимияти ва бошкарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор булган энг мухим вазифаларни амалга оширади. Булар жумласига мудофаа. давлат хавфсизлиги, ташки сиёсат, пулмолия ва солик тизимини шакллантириш, конунчиликни ривожлантириш каби вазифалар киради.

Жамият тараккий этиб боргач, давлат билан фукаро уртасидаги муносабат янгиланади, сиёсий бошкарув тизими камайиб, фукароларнинг давлатчилик фаолияти, уз-узини бошкаришнинг ахамияти ортади. Бошкарувнинг махалла погонасида жамоатчиликнинг фикри ва фаолияти ортади. Хакикий демократик, адолат хукмронлик киладиган жамият бир-бири билан узвий боглик булган, бир-бирини харакатта келтириб турувчи кисмлардан: давлат хокимияти органлари ва фукароларнинг сиёсий партиялар хамда жамоатчилик бирлашмаларидан тузилган бошкарувдан иборат булади. Шулардан давлатга таалукли булмаган булакни фукаролар жамияти деб аташ мумкин. Демократия ва бозор ислохотларининг чукурлашиб бориши билан фукароларнинг узини-узи бошкаруви, фукаролар жамияти катта ахамият касб эта бошлайди.

Давлат хокимиятидаги демократия даражаси, фукаролик жамиятининг етуклиги жамоатчилик асосида вужудга келган сиёсий ва ижтимоий ташкилотлар ривожланганлиги хамда таъсирчанлик даражаси билан белгиланади.

Фукаролар жамиятини барпо этишда касаба уюшмалари, фахрийлар, хотин-кизлар, ёшлар ташкилотлари, куп сонли ижтимоий жамгармалар катта ахамиятга эга.

Давлат ва жамоатчилик, фукароларнинг узини-узи бошкариш органларининг уйгун фаолият курсатишида махалланинг урни алохидадир.

## Сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг вужудга келиши ва фаолияти. Куп партиявийлик тизимининг шаклланиши.

1. Сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари ижтимоий-сиёсий тараккиётнинг омиллари сифатида.

2. Куп партиявийлик жамиятни демократлаштиришнинг мухим шартидир.

3. Узбекистонда демократик ислохотларни чукурлаштиришда жамоат бирлашмаларининг тутган урни ва ахамияти.

Маълумки, юртимиз мустакилликка эришгач жамиятимиз тараккиётининг барча сохаларида чукур демократик ислохотлар амалга оширилмокда. Хусусан сиёсий ислохотларни амалга оширилишида сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари фаолияти мухим ахамиятга эгадир. Шунинг учун мустакиллигимизнинг дастлабки дариданок сиёсий партиялар фаолиятига алохида эътибор берилди.

Сиёсий партиялар жамиятда муаян ижтимоий гурухларнинг манфаатларини, эхтиёж ва истакларини ифода этувчи фукаролар билан давлатни боглаб турувчи мухим бир бугин хисобланади.

Немис социологи, тарихчи, хукукшунос Марк Вебер (1864-1920) сиёсий партиялар тушунчасини куйидагича ифодалаган эди: "Партиялар уз аъзоларининг ихтиёрийлигига асосланган, уз олдига аъзоларининг моддий фойда ёки шахсий имтиёзлар учун маънавий ва моддий шароитлар яратиш максадида сиёсий хокимиятни эгаллашга йуналтирилган жамоат ташкилотларидир". Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чакирик еттинчи сессиясида кабул килинган "Сиёсий партиялар тугрисида"ги конун лойихасида эса сиёсий партияларга куйидагича янада туларок таъриф берилган: "Сийсий партия карашлари, кизикишлари ва максадлари муштараклиги асосида тузилган, жамиятни муаян кисмининг давлат хокимиятини шакллантиришдан иборат сиёсий иродасини руёбга чикаришга интилувчи хамда вакиллари оркали жамият ва давлат ишларини идора этишда катнашувчи Узбекистон Республикаси фукароларининг кунгилли бирлашмасидир".

Лекин сиёсий партия мутлако халкдан ва давлат хокимиятидан устун турадиган, кучли ташкилот булиши мумкин эмас. Партия давлат билан халк уртасидаги воситачи, халкнинг сиёсий маданиятини юксалишига хизмат килади, уз фаолиятлари билан хокимият ташкилотларига сайловлар пайтида курсатилаётган номзодларнинг истеъдодли, ватанпарвар, адолатпарвар, халк уртасида обру топган кишилардан иборат булишига ёрдам беради. Президентимиз И.А.Каримов айтиб утганидек, - "Утиш даврида, фукаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнида ахоли турли катламларининг манфаатларини ифода этиши лозим булган куппартияли тизим каби демократик институтлар хамда бошка жамоат ташкилотларининг карор топиши мухим ахамият касб этмокда. Шу жихатдан олганда, давлатнинг роли сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг вужудга келиши, карор топиши ва ривожланишини секинлаштириб куядиган хар кандай гов ва тусикларни бартараф этишдан иборат. Зеро, сиёсий партияларсиз ва жамоатчилик харакатларисиз республикада вакиллик демократиясини тасаввур килиб булмайди.

Шу билан бира, демократиянинг сифати партиялар сонининг куп булиши билан белгиланмаслигини хам ёдда тутиш даркор". Тарихан киска давр ичида куппартиявийлик тизими шаклланди ва давлатнинг баркарор ривожланиши учун улкан имкониятлар яратилди. Бу партиялар узларининг демократик мазмун ва тамойилдаги дастурлари билан чикиб, мухолифлар сифатида жамият тараккиётига хисса кушмокдалар.

Узбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасига биноан сиёсий партиялар турли табака ва гурухларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва узларининг демократик йул билан сайлаб куйиладиган вакиллари оркали давлат хокимиятини тузишда иштирок этадилар.

"Сиёсий партиялар тугрисида"ги конунда курсатилганидек, ички ишлар терговчилари, судялар, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, харбий хизматчилар сиёсий партияга аъзо була олмайдилар.

Конституциямизнинг 77-моддасига биноан Олий Мажлисга сайловлар хам куп партиявийлик асосида амалга оширилади. Бу эса жамият ва давлат бошкарувида демократиянинг руёбга чикишига олиб келади.

Лекин демократик жамият курилиши жараёнида сиёсий партияларнинг асосий максади сиёсий хокимиятни кулга киритишдан иборат булмаслиги керак. Улар депутатларнинг сайловолди дастурлари ва кай даражада бажарилишини назорат килишлари керак.

Сиёсий партияларнинг кучи партия аъзоларининг мухим ижтимоийсиёсий, маъанвий, иктисодий муаммоларни кай даражада англашлари, уларни кай даражада хал этишлари, уларнинг мафкурасини соглолмлиги ва уларнинг фаолиятини халк кай даражада куллаб-кувватлаши билан белгиланади.

Узбекистон Республикасида хозирги кунда бешта парламент туркумидаги сиёсий партия ва битта халк харакати мавжуддир.

Мамлакатимизда энг катта сиёсий партия Халк Демократик Партияси булиб, 1991 йилнинг ноябрь ойида шаклланган. ХДП 400 мингга якин фукароларни бирлаштирган. ХДП Олий Мажлисда эг йирик фракцияга эга булиб, 1994 йил декабрдаги сайлов натижаларига кура Олий Мажлисга депутатлик мандатларининг 28% ни, туман, шахар Кенгашларидаги уринларнинг 48% дан купрогини, Коракалпогистон Республикаси Жукориги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шахар Кенгашларидаги уринларнинг 40% ни олди.

ХДП аъзоларининг 94% Олий ва урта махсус маълумотга эга. Улар орасида 300 га якин фан доктори ва салкам 1400 фан номзоди бор.

ХДПнинг олий максади мехнат ахли ва хар бир оиланинг миллати, дини, эътикоди, ижтимоий келиб чикиши ва ахволидан катъий назар, уларнинг моддий ва маънавий жихатдан тукис хаёт кечириши учун тенг имконият яратиш, кишиларнинг конституция хукуклари ва эркинликларини кафолатлаш, шон-шухрати, кадр-киммати, сиёсий ва иктисодий эркинлик, демократия, тенглик, ижтимоий адолатни таъминлашдан иборатдир.

"Ватан тараккиёти" партияси 1992 йилда ташкил топган булиб, 35000 дан зиёд аъзоси бор.

"Ватан тараккиёти" партияси ХДП дан фаркли равишда урта йулни тутувчи сиёсий партия хисобланади. Узбекистон мустакиллигини мустахкамлаш, уни хар томонлама ривожлантириш учун уз атрофига жамиятнинг илгор кучларини туплаш партиянинг максадидир.

Унинг бош максади Узбекистонни иктисодий жихатдан ривожлантиришдир. Бунинг учун партия иктисодиётни ислох килишни зарур деб билади. Партиянинг дастурига кура демократик жамият икки йул билан вужудга келади:

1. Маърифат оркали халк онгидан, сиёсий эркинликлардан тула фойдалана олиш даражасига кутарилиш оркали бозор иктисодиётига утиш.

2. Шошилмасдан, баркарорликни саклаган холда боскичма-боскич иктисодиётни ислох килиш оркали бозор иктисодиётига утиш.

Дастлабки пайтларда бу партия илгор зиёлиларни, тадбиркорларни, фермерларни президент И.А.Каримов олиб бораётган сиёсат атрофида жипслаштиришга катта эътибор берди, шунингдек, хокимият учун курашга карши чикди.

"Ватан тараккиёти партияси" утиш даврида бир катор мухим амалий, назарий вазифаларни куйган:

1. Республикамизда шаклланаётган шаркона куппартиявийлик тизимининг методологик асосини ишлаб чикиш, уларнинг афзал томонларини курсата олиш, салбий жихатларини илмий тахлил килиш.

2. Ахолининг куппартиявийлик шароитига мослашувига кумаклашиш.

Улар буни давра сухбатлари, ахборот воситалари оркали амалга оширишга харакат киладилар.

"Адолат" социал-демократик партияси 1995 йил 18 февралда ташкил топган. У хам парламент туридаги партия булиб, республика мустакиллигини мустахкамлаш, Ватанга садокат билан хизмат килиш каби максадларни кузлайди. Унинг асосий максади республика худудида яшаётган миллат ва элатларнинг туб, хаётий ва умумий манфаатларига мос келадиган хукукий, демократик давлатни барпо этиш, жамиятда ижтимоий адолатни янада мустахкамлаш, инсон хукуклари, эркинликлари ва бурчларини химоя килиш,

тушунтириш хамда юксак маънавият ва маърифатни карор топтиришга кумаклашишдан иборатдир. Бу партия узининг матбуот органи сахифаларида хукукни химоя килиш органларининг фаолиятига алохида ахамият бермокда.

"Узбекистон миллий тикланиш" партияси 1995 йил май ойида ташкил топган булиб, бу хам парламент туридаги сиёсий партиядир. Унинг бош максади мамлакатнинг сиёсий, иктисодий, айникса маданий-маънавий-маърифий равнакига эришиш йулида хизмат килишдан иборатдир. Миллатнинг кад ростлаши, миллий онгнинг уйгониши йулида фаолият олиб боради. Шунингдек партия байналминал тарбияга алохида эътибор беради, умуминсоний кадриятлар асосида "Туркистон - умумий уйимиз" шиори билан боглик таргибот ишларини олиб боради. "Миллий тикланиш партияси" мамлакатимизда хукукий давлат, демократик жамият куришни, айни даврда халкнинг илмий-техникавий салохиятини юксалтиришни узининг бош вазифаси деб билади.

Президентимиз таъкидлаб утганидек "партияларнинг пайдо булиши, уларнинг сони, дастурий йул йурикларининг узига хослиги ижтимоий манфаатлар йигиндиси ва жамланиши оркасида табиий йул билан белгиланмоги керак. Сиёсий партиялар мавжуд булишининг асосий ва бирдан-бир принципи давлатнинг конституциявий меъёрларини хурмат килиш ва уларга риоя этишдан иборат булмоги лозим". (Узбекистон XXI аср бусагасида, 175-б)

«Фидокорлар» миллий демократик партияси 1999 йил 4 январ куни ташкил топган. Узбекистон «Фидокорлар» милий демократик партиясининг асосий максади эркин бозор иктисодиётига суянган очик, демократик давлат куриш ва фукаролик жамияти асосларини барпо этиш, эл-юрт хаёт даражасини тараккиё этган давлатлар ва халклар даражасига кутариш, жахон хамжамиятида давлатимиз ва жамиятимизнинг узига муносиб урнини эгаллаб олиш ишига амалий хисса кушишдир.

«Фидокорлар» миллий демократик партияси уз атрофига республика ёшларининг фаол кисмини бирлаштирган.

"Халк бирлиги харкати" («Бирлик») 1995 йилнинг бошларида кенг ижтимоий-оммавий харакат сифатида дунёга келган. Сиёсий партиялар каби у хам хокимиятга даъво килмайди. "Узбекистон гуллаб-яшнаши учун!" шиори остида фаолият курсатаётган ушбу харакат кенг халк оммаси фаолиятини уюштиришга харакат килади, хамда мамлакатимизда етук мутахасислар, олимлар етиштиришга, урта махсус ва олий таълимни ривожлантиришга, ижтимоий-сиёсий баркарорликни, миллатлар орасидаги бирликни, хамкорликни таъминлашга алохида эътибор беради.

Хозирги кунда Узбекистонда 200 га якин жамоатчилик бирлашмалари руйхатдан утган.

Олий Мажлиснинг VI сессиясида президентимиз И.А.Каримов нуткида таъкидлаб утганидек, жамоатчилик ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш демократик харакатларнинг янада чукурлашишида мухим йуналишдир.

**Ижтимоий-сиёсий баркарорлик, миллий тотувликнинг таъминланиши янги жамият куришнинг мухим омилидир.**

1. Ижтимоий-сиёсий баркарорлик демократик жамият куришнинг мухим шартидир.
2. Иктисодий ислохотларнинг 1-боскичида ижтимоий-сиёсий баркарорлик таъминланиши кейинги боскичнинг муваффакиятлари гарови.

Давлатимиз олдида турган мухим вазифаларни муваффакиятли бажарилишида ижтимоий-сиёсий баркарорликнинг таъминланиши катта урин эгаллайди. Шунинг учун хам бу масала давлат хокимиятимизнинг диккат эътиборида турибди.

Ижтимоий-сиёсий баркарорликнинг таъминланишида мамлакатда тинчлик ва хотиржамликнинг хукмрон булиши, фукароларнинг конун олдида тенглигини таъминланганлиги, ижтимоий, сиёсий, иктисодий сохаларда конун устиворлигини таъминланганлиги, шунингдек миллатлараро тотувликнинг таъминланганлиги мухим урин тутади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Кенг халк оммасининг митингбозлик, дабдабабозликка берилмасдан тинч, кадамба-кадам яратувчилик фаолияти билан бандлиги, ишчи дастгох ёнида, дехкон далада, врач шифохонада, муаллим синфхонада, хуллас, хар ким уз жойида мехнат килиши - бу ижтимоий-сиёсий баркарорликнинг мохияти, мазмуни, ифодаси ва намоён булишидир"

Ижтимоий-сиёсий баркарорлик хам ички, хам ташки омиллар яъни сиёсат билан белгиланади. Халкнинг кундалик моддий ва маънавий эхтиёжларини тула кондириш билан боглик сиёсат ички омилнинг мохиятини ташкил килади. Барча мамлакатлар билан тенг хукуклилик, узаро хамкорлик хамжихатлик, айни пайтда мамлакат манфаати устиворлигини таъминлаш ташки омилнинг асосини ташкил килади.

Ижтимоий-сиёсий баркарорликни таъминланиши учун энг аввало мамлакатда иктисодий баркарорликка эришиш лозим. Иктисодий ислохотларнинг биринчи боскичида асосий озик-овкат махсулотлари ва кундалик зарур эхтиёж молларини истеъмол килиш кескин камайишининг, оммавий ишсизлик пайдо булишининг олдини олишга, ижтимоий сохалар - согликни саклаш, таълим, фан ва маданият тармоклари доимий ишлашини таъминлашга муваффак булинди.

Кишлок ахолисини озик-овкат махсулотлари билан таъминлаш, шахсий томорка ерлари ва фермер хужаликларида уларнинг иш билан банд булишлари учун кулай шароитлар яратиб берилди. Натижада жамиятнинг кескин ижтимоий табакаланишига йул куймасликка муваффак булинди. Акс холда Россия, Украина, Белоруссиядагига ухшаш сиёсий тангликлар келиб чикиши мукаррар эди.

Иктисодий ислохотларнинг муваффакияти учун, иккинчи томондан кулай ижтимоий шароитларнинг яратилиши хам мухимдир. Республикамизда ахолини бозор иктисодиётига утиш шароитида ижтимоий жихатдан химоялаш, куллаб кувватлаш ишлари Узбекистоннинг давлат мустакиллигини

мустахкамлаш, миллий узликни англашни тиклаш, тил ва миллий анъаналарни саклаб колиш хамда ривожлантириш, шу ерда яшаб турган миллатларга мансуб кишиларнинг ижтимоий хукуклари ва кафолатларини таъминлаш, жамият маънавиятини ривожлантиришга йуналтирилган сиёсий тадбирлар мажмуи билан бирга амалга оширилди.

Республикамиз куп миллатли республика булганлиги учун ижтимоий-сиёсий баркарорликни таъминланишида миллатлараро тотувликнинг сакланганлиги мухим ахамиятга эгадир. Президентимиз узининг "Узбекистон XXI аср бусагасида..." деган асарида таъкидлаб утганидек "халкнинг бирлиги, жипслиги ва осойишталиги хакида гапирар эканмиз, бу бизнинг бебахо бойлигимиздир, дея таъкидлаймиз".

Республикамизда ижтимоий-сиёсий баркарорликни таъминланишида куп партиявийлик тизимига ва ижтимоий харакатлар фаолиятига кенг йул куйилганлиги, улар уртасида хамжихатликнинг урнатганлиги, улар уртасида ихтилофларнинг, хокимият учун кескин курашнинг йуклиги хам мухим роль уйнамокда.

Мустакиллигимиз йилларида амалда фукароларнинг виждон эркинлиги, хохлаган динига эътикод килиш ёки килмаслик хукуки кафолатланди.

Республикамизда 14 диний конфессия фаолият курсатмокда. Диний эътикод учун, ёки алохида дин учун имтиёзлар берилмаган, ёки диний эътикод учун бирон хукукдан хеч бир фукаро махрум этилмаган. Юртимизда диний жамоаларнинг фойдали хамкорлиги учун хамма имкониятлар яратиб берилган. Диний белгиларга караб бир-бирига карама-карши турган турли сиёсий гурухларга булинишнинг йуклиги хам демократик узгаришларнинг натижасидир. Бу хам мамлакатда ижтимоий-сиёсий баркарорликни таъминлашнинг омилларидан биридир.

Айни пайтда диний экстремизм ва фундаментализм хавф-хатаридан сакланишнинг эхтиёт чораларини куришнинг зарурлигини хам унутмаслик лозим.

Мамлакатимиз хукукий давлат куриш йулидан бормокда. Конунийлик ва хукук-тартиботни карор топтириш сиёсатини олиб борилаётганлиги, фукароларнинг иктисодий, ижтимоий, сиёсий сохадаги хукук ва эркинликларини конун билан мустахкамланганлиги хам ижтимоий-сиёсий баркарорликнинг таъминланиши учун нихоятда зарурдир.

Янги тарихий жараёнда хокимликлар кайта тикланди. Уларнинг кучли Президент бошкаруви ва синалган анъанавий бошкарув идоралари фаолияти хамда ислохотларни куллаб-кувватлаётган ижтимоий кучларнинг мавжудлиги хам мамлакатимизда сиёсий ва иктисодий баркарорликни сакланиб турибди. Хар биримизнинг хонадонимизда тинчлик ва осойишталик хукм сурмокда. Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида алохида таъкидланганидек, "демократияни янада чукурлаштириш боскичида сиёсий хамжихатлик бош йуналиш булмоги лозим... Демократия шароитларида давлат ижтимоий карама-каршиликларни зурлик ва бостириш йули билан эмас, балки ижтимоий келишув, халк таъбири билан айтганда муросаи-мадора билан бартараф этиш воситасига айланади"

Халкимиз асрлар давомида махалла йигинлари, оксоколлар кенгашлари оркали жамоатчилик фикрини аниклашнинг ва бирдамлик курсатишнинг узига хос усулларини шакллантириб келган. Махалла в афахрийлар соглом жамоатчилик фикрига эга булишида катта куч хисобланади. Фукароларнинг махаллий узини-узи бошкарувига конун асосида берилган хукук ва эркинликлардан фойдаланиши баркарорликни мустахкамлашга, давлат ишларини ахолининг эхтиёжлари, кайфиятлари билан мувофик холда олиб боришга самарали таъсир курсатмокда.

## Узбекистон Республикасининг кадрлар сиёсати ва унинг демократик жамият куришдаги ахамияти.

1. Кадрлар сиёсати тараккиётнинг мухим омили сифатида.
2. Деморатик жамият куриш талабларига муносиб мутахассис кадрлар тайёрлаш шартлари.

Мустакилликни кулга киритгандан сунг Узбекистон ёш давлат сифатида уз халкини манфаатларига, жамиятда хам, иктисодий муносабатларда хам демократик узгаришларни амалга ошириш вазифаларига мос келадиган янги конунчилик асосларини ишлаб чикиш ва кабул килиши зарур булиб колди. Нихоятда, биз янгиланиш ва тарккиётда уз йулимизни, иктисодиётни ислох килишда уз моделимизни танлаб олдик. Бу моделни хаётга тадбик этишда Узбекистонда яна бир муаммо кундаланг турар эди. Бу муаммо кадрлар муаммоси эди. Республикамизда кадрлар сиёсати демократик жамият куришдаги ахамияти жуда катта эди.

Кадрлар корхоналар, давлат муассасалари, жамоат ташкилотларининг асосий ва малакали таркиби хисобланади. Собик шуро хукмронлиги даврида кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш ва жой-жойига куйиш давлат типидаги ягона компартиянинг тасарруфида ва кадрлар сиёсати масаласига синфийлик, шовинистик тамойили талабларига кура ёндошилган. Мустакилликдан сунг биз олдимизга кандай вазифа куймайлик, кандай муаммони ечиш зарурияти тугилмасин, гап охир-окибат, барибир кадрларга яна кадрларга бериб такалаверади. Муболагасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги урнимизга ким келишига ёки бошкачарок айтганда, кандай кадрлар тайёрлашимизга боглик.

Олий Мажлис IX сессиясида кабул килинган кадрлар тайёрлаш буйича Миллий дастурни амалга ошириш, хаётга тадбик этиш, хеч бир муболагасиз стратегик максадларимиз - фаровон, кудратли, демократик давлат, эркин фукаролик жамият барпо этишимизнинг асоси бу кадрлар масаласи ва уларнинг жамиятдаги юксак урнига богликдир.

Давлат хокимиятини, аппаратни, кадрларни хукукдан, сиёсатни эса конундан юкорилиги энди утмиш булиб колиши кутилмокда. Хокимият, конундан юкорилиги лавозим эгаси тартиботга, конунчиликка, ахлок мезонларига буйсунмоги зарур.

Биз бундай мезонларни хозирги кунимизда уз комусимизда яъни бош конунимизда уз аксини топганлигини куришимиз мумкин. Яъни бу Консти-

туциямизнинг 18-моддасидаги ибораларни куришимиз уринлидир: “Узбекистон Республикасида барча фукаролар бир хил хукук ва эркинликларга эга булиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чикиши, эътикоди, шахси ва ижтимоий мавкеидан катъий назар, конун олдида тенгдир. Имтиёзлар факат конун билан белгиланиб куйилади, хамда ижтимоий адолат принципларига мос келиши шарт”. Мана шу йул билан конуннинг устиворлик гояси конституцион мустахкамланган. Хар кандай амалдор, юксак мартабада булса хам конунга буйсунади.

Иктисодий, айникса, сиёсий ислохотлар муваффакияти, аввало бошкарув сохасидаги кадрларни тайёрлаш даражасига, уларнинг бугунги узгаришларини амалга ошириш истаги ва лаёкатига боглик.

Узбекистонда хар ким ва хар бир нарса конунга буйсуниши лозим булган хукукий давлат куриш йулида экан, конун жамиятда бошкарувнинг асосий ва куп киррали воситасига айланиш зарур. Бундай шароитда хукукни химоя, мухофаза килиш органлари зиммасига катта маъсулият юклаб, ундай жойларда ишловчи кишиларнинг касб махорати ва ахлокий сифатларига булган талаб кескин ортди. Демократик ривожланишда оммавий ахборот воситаларининг ахамияти жуда улкандир. Бу хам уз урнида малакали, уддабурон кадрлар билан богликдир. Юкорида айтилган фазилатларга эга мутахассис-рахбарнинг етишмаслиги туфайли, ислохотларни амалга ошириш жараёнида, оммавий ахборот воситаларининг фаол роли сезилмади, уларнинг купчилиги “хокимият” сифатида узларини намоён кила олмадилар.

Кадрлар сиёсатининг шундай тизимини яратиш керакки унда кадрлар янги демократик жамият куришнинг асосий, хал килувчи кучига айлана бошлади. Муаммоларга бой янги давр янгича фикрлайдиган, замонавий талаблар асосида ишлайдиган кишиларни тарбиялаш, вояга етказишни шарт килиб куйди.

Жамиятни ислох этишда янгича, замонавий фикрловчи кишиларга таяниш хал килувчи омилга айланди. Бу масала барча сохаларга, жумладан, илм-фан, касб-корни эгаллаш, замонавий зиёли булиши хам дахлдордир. Мамлакатимиз янги давр кадрларини етказиб беришда узига хос усулда давом этирмокда. Юкорида айтиб утганимиздек жонкуяр-фидойи кадрларга ишонч ортиб бормокда. Чунки бу кадрлар жахон талаблари андозасида тайёрлашмокда. Бу масалада биринчи булиб юртимизда оширилаётган ишларни курсатиб утишимиз мумкин.

Хар ким хам уз-узидан етук даражадаги мутахассис була олмайди. Биринчидан бундай даражага етиш учун бирор олий укув юртини тамомлаган булиши, бунинг учун эса бошлангич таълим, яъни мактабни етукли атестатига эга булмоги лозим. Хозирги кунга келиб бу борада бир катор муваффакиятли ишлар олиб борилмокда. Мамлакатимизда жорий йилда ва 2000 йилда Республиканинг хар бир тумани ва шахари замонавий талабларга жавоб берадиган янги турдаги укув юртлари билан таъминлаши учун 180 та янги касб-хунар коллежи ва 15 та академик лицейи куриб фойдаланишга топшириш лозим. 2005 йилга кадар биз республикамизда 1611 та касб-хунар коллежи ва 181 та академик лицейдан иборат булган урта махсус ва касб-хунар укув юртларининг замонавий тармокларини бунёд этишимиз керак. Бу туккизинчи синфларни битирувчиларни урта махсус, касб-хунар таълими мактабларига тула камраб олишни таъминлайди.

Яна бир бор шуни таъкидлаб утишга тугри келади: амалга оширилаётган барча ислохотларнинг такдири шу масалага, яъни кадрлар тайёрлашга чамбарчас богликлигини биз аник ва равшан англаб олишимиз лозим. Узининг шу мамлакатининг хакикиё ватанпарвари деб биладиган хар бир киши бу дастурни амалга оширишга уз мехнатини, уз улушини кушади. Яна таълим тизимига келадиган булсак, юкоридагиларни муболагасиз мустакиликни дастлабки неъматлари деб тушуниш мумкин. Яна куйидагиларни хам инобатга олиш зарурки, олий ва урта махсус укув юртларида хам бу тизим янгича ислох килинмокда.

Олий ва урта махсус укув юртлари студентлари ва укувчиларни укиши учун тула замонавий жихозлар билан жихозланган, юкори малакали укитувчи ва профессорлар жалб этилган. Бу жихозлар ва жалб этишлар уз самараини бермокда. Студентлар, аспирантлар, профессор ва олимлар уз билимларини хорижий мамлакатларда уз билимларини мустахкамлаб келмокдалар. Республикамизда 2 та академия, 16 та университет хамда 44 институтлар юксак малакали кадрларни тайёрлашни “учогига” айланиб колди. “Учог” дейишимиздан асосий максад шундан иборатки, собик шуро давридаги мутахассислар билан хозирги кундаги мутахассисларни орасида ер билан осмончалик фарк бор. Бунга сабаб биз аник далилларни келтириб утишимиз мумкин. Мустакиллик йилларида 3000 дан ортик талаба ва аспирантлар, 1000 дан ортик укитувчи олимларни хорижда тажриба оширишлари, жахон цивилизацияси билан хамнафас булишмокда. Собик иттифок даврида биз бундай кулайликларни хаёлимизга хам келтирмас эдик. Мустакил юртимизда таълим ва кадрларни тайёрлашнинг барча тизимлари жахон ва XXI аср талаблари даражасини хисобга олган холда ислох килинмокда.

Кадрларни тайёрлаш уларни ривожланган мамлакатларда укитиш узини ижобий самараларини бера бошлади. Бундай кадрлар мамлакатимизни ривожи уз хиссаларини кушиб келмокдалар, яъни улар ташкаридан юртимизга йирик кредитларни ва сармояларни кириб келиши, кушма корхоналарни очилиши, Узбекистон тараккий этган давлатларни каторидан жой олишдан уз хиссаларини бекиёслигини инобатга олиш лозимдир. Бундай кадрларни булиши бизни улкан орзуларимиздан биридир. Лекин кадр масаласида маълум коидаларга амал килинса, катта хатоларнинг олди олинади. Ишчан, аклли, идрокли, иймони бут, ривожланган мамлакатлар тажрибасини урганишга интилувчи, юрагида Ватанга мехр туйгуси кучли булган ёш мутахассисларга ишониб, уларга ишни бемалол топшириш лозим. 1994 йилнинг ярмига келганда Республикада 500 дан зиёд кушма корхона руйхатдан утган булиб, уларнинг купчилиги зиёнига ишлаган ва бир оз вактдан сунг бу холатлар тугатилган.

Тадбиркор ва ишнинг кузини биладиган рахбар кадрлар бундай корхоналарни ривожлантириб бориши, бозор иктисодиётининг мухим шарти булган мулкчилик шаклининг хилма-хиллигига, махсулот ишлаб чикаришга ва

хизмат курсатиш сохасида узаро ракобатни вужудга келтиришга ахамият беради. Кадрларни тайёрлаш ва кайта тайёрлаш давлат ахамиятига молик ишдир.

Кадрларни танлаш ва тайёрлаш тамойилларини икки йуналишини И.А.Каримов алохида курсатиб утади. Биринчидан, кадрлар масаласини хал килишга дахлдор кишилар айниксa халкимизни куп миллатли хусусиятларини эътиборга олиш лозим. Шуни айтиб утиш керакки Узбекистонда таълим 8 тилда олиб борилади. “Кадрларни таркиби устида хам биз миллий ва махаллий чекланишлардан устун туриши учун барча чораларни куришимиз лозим булади. Бу уринда Республиканинг куп йиллик шаклланган хаёт тарзини, купмиллатлилик хусусиятларини, узаро хурмат ва дустлик ришталарини саклаб колиш максадларидан келиб чикиб иш тутишимиз лозим”.

Иккинчидан кадрларни ишбилармон фазилатларини юкори даражада етарлича кадрлар олиши керак.

Узбекистонда кадрларни тайёрлаш тизимини шакллантиришда Молия Академияси, Давлат ва жамият курилиши Академияси, ХАлкаро иктисодиёт ва дипломатия университетлари мухим урин тутади. Узбекистонда, кадрларни тайёрлаш тизимини истеъдодли кадрларни куллаб кувватлашда уларни сиёсий максади ёки диний эътикоди эмас, балки Ватан ишига булган халол муносабати, кобилияти, билимдонлиги каби фазилатларни асосий мезон булишини бугунги кун талаблари такозо килмокда.

Кейинги йилларда иктисодий ривожланган мамлакатлар билан урнатилган муносабатларда кадрлар тайёрлаш, бундай мамлакатлар имкониятларидан кенг фойдаланишга эътибор берилмокда. Биз бунга мисол килиб куйидагиларни курсатишимиз мумкин: Узбекистонда миллий кадрлар тайёрлаш сохасини АКШнинг халкаро тараккиёт агентлиги (ЮСАУД), АКШнинг ахборот хизмати (ЮСНС) савдо ва адлия вазирликлари томонидан молиявий таъминланаётганлигини алохида курсатиб утиш лозим.

Кейинги уч йил мобайнида бу дастурлар буйича Узбекистоннинг 861 фукароси, жумладан уларнинг 451 нафари АКШда касб урганди ва тахсил олди.

Бу барча сай харакатлардан куриниб турибдики Республикада канча малакали мутахассислар куп булса юртимиз шунча тез ривожланади. Узбекистоннинг ривожланган мамлакатлар каторидан урин олиши ва улар билан бир сафда туриши, валютани инфляциядан саклаб колиш, иктисодиётни, сиёсатни устун куйиш, ахолини ижтимоий химоя килиш, нархларни эркинлаштириш, Узбекистонни ташки ёвуз кучлардан саклаш буларни барчаси узимизнинг кадрларимиз уддалаб кетишларига биз шак-шубхасиз ишонамиз ва бу миллий кадрларни бу йулда барчамиз куллаб кувватлаймиз!

Биз бу борада демократик жамиятни шакллантириш, янги конунларни, демократик тушунчалар, мустакил давлатни бошкарув ва эркин иктисодий тизим сармояларини ишлаб чикиш, тайёрлаш ва кундалик хаётга тадбик этишда узимизнинг миллий кадрларимизга ишонамиз. Энг асосийси, жамиятни ислох килиш ва янгилаш жараёнини бошкарадиган ва таъминлайдиган, янгича фикрлайдиган одамларни тарбиялаш учун хам фурсат етиб келади!

Кадрлар билан ишлаш масалалари алохида эътиборни талаб килади. Биз мамлакатимизнинг истикболи кадрларимизни кандай малакага эга эканлиги, кандай маънавий фазилатларга эга булиши катта ахамиятга эгадир. Миллий кадрларимизнинг хаётга нечогли фаол муносабатда булишига, кандай олий максадларга хизмат килишга боглик эканини хамиша ёдда тутишимиз керак.

## Миллий истиклол ғоясини халқни бирлаштиришдаги роли. Узбек халкининг маънавий мероси ва миллий маданиятининг мустакилликни мустахкамлашдаги ахамияти.

1. Мафкура тушунчаси, унинг мазмуни, хусусиятлари, негизлари.
2. Узбекистонда миллий истиклол мафкурасига булган объектив эхтиёжлар, унинг вужудга келишидаги шарт-шароитлар.
3. Миллий истиклол ғоясини халқни бирлаштиришдаги роли.

"Мафкура" сузи арабча суз булиб, фикрлаш маъносини англатади.

Мафкура - муаян гоялар тузилишидир. Гоя - бу бирор иш, харакат килиш хакидаги фикр, уй, ният ва максадларни узида ифода этадиган, билдирадиган суздир. Мафкура муаян бир гоялар тизими булиб, кишиларнинг, жамиятнинг вокеликка булган онгли, муаян бир максадни кулзалаган, изчил муносабатларини узида ифода этади. мафкура бир ижтимоий гурух ёки миллатнинг туб манфаатларини назарий асословчи, химоя килувчи фалсафий, сиёсий, хукукий, ахлокий, диний, гузалликка доир, бадиий карашларнинг мажмуасидир. Мафкурасиз жамият, миллат, ижтимоий гурух булиши мумкин эмас. Бир миллат, гурух мафкурасини зурлаб 2-сига тикиштириш мумкин эмас.

Бизда узок йиллармобайнида, аникроги совет тузуми даврида бир мафкуранинг - коммунистик мафкурасининг якка хукмронлиги натижасидаги "мафкура" иборасига нисбатан ёмон назар билан караш шаклланиб келди.

Бу йилларда мафкура факат синфий булади, миллий булиши мумкин эмас, деб хисобланди. Натижада узбек миллатининг миллий онги, дунё караши, миллий гурури, ифтихори заифлаштириб юборилди. 80-90 йилларнинг бошларида хар кандай мафкурани рад этиш кайфиятлари карор топа бошлади. Лекин мафкурага нисбатан бундай муносабат узок давом этиши мумкин эмас эди. Чунки инсоннинг узи хам, у яшаб турган жамият хам фикр, уй, ният, максадларсиз яшай олмайди.

Биз мустакилликка эришганимиздан сунг революцион тунтаришлар, зуравонлик билан боглик булган коммунистик мафкурадан юз угирдик ва уз истиклол мафкурамизни, миллий мафкурамизни яратиш йулини тутдик.

Мафкура ижтимоий хаётнинг шарти булиш билан бирга, ижтимоий хаётни янада ривожлантиришга, ёки аксинча оркада колишига фаол таъсир

курсатади. Бу эса мафкурага нисбатан жиддий муносабатда булишни такозо этади. Мафкура миллатнинг, халкнинг узок даврга мулжалланган олий максадларини, интилишларини узида ифода этган булиб хар бир тарихий даврнинг узига хос томонларини узида ифода этади. Кишилик жамияти пайдо булганидек буён инсонлар узларининг яшаш шароитларини яхшилашга, уни адолат коидалари асосида ташкил килишга интилиш усулларини излаб келганлар. Улар узларининг бу интилишларини муаян гоялар оркали ифода этишга интилганлар. Натижада мафкурага эхтиёж вужудга келган бир тарихий давр, хар бир халк уз мафкурасига эга булган. Хар бир тарихий даврда мафкура уз даврининг атокли кишилари, олимлари, шоиру-ёзувчилари томонидан илгари сурилган.

Юртимиз уз давлат мустакиллигига эришганидан сунг демократик, хукукий давлат, одолатпарвар, фукаролик жамияти барпо этиш йулини тутди. Бу орзу истакларини, максадларини муаян мафкура оркали ифода этиш эхтиёжи тугилди. Бу орзу истакларимиз мустакиллигимиз шарофати туфайли булганлиги учун миллий истиклол мафкураси деб аталди. Узбекистонда миллий истиклол мафкурасини яратиш, шакллантириш ута мураккаб, зиддиятли даврга тугри келди. Умуман бир мафкурадан иккинчи мафкурага утиш осонлик билан киска вакт ичида амалга ошмайди.

Миллий истиклол мафкурасини яратиш билан боглик фикр биринчи марта Узбекистон президенти И.К.Каримов томонидан 1993 й. апрелида бир гуруз адиблар билан учрашувда илгари сурилди. Орадан куп утма 1993 й. 6 майда мамлакат Олий Кенгаши XXI сессиясида миллий истиклол мафкурасини яратиш ва уни хаётимизга тадбик килиш тугрисида алохида таъкидланди. Сессияда президентимиз "Миллий истиклол мафкураси халкимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, рухиятига асосланиб, келажакка ишонч, мехр-окибат, инсоф, сабр-токат, адолат, маърифат туйгуларини онгимизга сингдириши лозим" деган гояни, курсатмани билдирди. "Шу билан бу мафкура, - дейди И.А.Каримов, - халкимизда узининг кудрати, имонга суянган холда, умуминсоний кадриятларга асосланиб, жахон хамжамиятидаги тараккий этган давлатлар орасида тенг хукукли уларок, муносиб урин эгаллашга доимий интилиш хиссини тарбияламоги керак".

Узбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига багишланган тантанали йигилишда И.А.Каримов бу масала устида яна бир бор чукур ва атрофлича тухталиб, куйидаги фикрларни билдирди: "... мафкуравий масалани хал этмасдан, уни амалда тадбик этмасдан туриб, Конституция берган максадларга эришиш, олдимизда турган талабларга жавоб бериш мумкин булади. Янги мафкуранинг асл мазмуни - янгича, эркин фикрлайдиган, мутеълик ва журъатсизлик туйгусидан мутлако холи, мустакил инсонни тарбиялашдир.

Миллий истиклол мафкурасини яратишга кузга куринган олимлар, адиблар уз фикр мулохазалари билан хисса кушдилар.

Миллий истиклол мафкураси бутун республика ахолисини бирлаштирадиган назарий воситадир. "Миллий" деган суз якин утмишда "миллатчилик" деган суз билан тенглаштириларди. Бу эса фан ва хаёт, назария ва амалиёт устидан зуравонлик эди. Илгор мамлакатларда "миллий" сузи "бутун мамлакатга тегишли, бутун ахолига тегишли" деган маънони билдиради. Миллий мафкура - бу узок йилларга умуман келажакка мулжалланган бутун халкнинг иктисодий, ижтимоий, маънавий кадриятлари, мероси, анъаналари, урф-одатлари, ахлокий-диний асосларини мужассамлаштирувчи йуналишдир. Бу мафкуранинг иктисодий асосини мехнаткашларни иктисодий ва ижтимоий химоя килишга каратилган ва бозор муносабаларига асосланган иктисодиёт ташкил этади. мафкурамизнинг сиёсий асосини демократик, хукукий давлат куриш ташкил этса, унинг назарий асосини аждодларимиз яратган бой назарий меросга, кадриятларимизга суянган холда маънавиятимизни, маърифатимизни ривожлантириш ташкил этади.

мафкура халкимизнинг барча сохаларда эришган ютукларга, мутахассислар тажрибаси ва маслахатларига асосланиб, умуминсоний кадриятларимиз йигиндисидир.

1. Маънавият: маънавий мерос тушунчалари ва уларнинг мохияти.
2. Узбек халки маънавий маданиятининг кадимийлиги ва баркамоллиги.
3. Хозирги шароитда маънавият масаласининг долзарблиги.
4. Маънавият ва демократик жамият.

Маънавият атамаси араб тилидан кириб келган булиб, одамнинг рухий ва аклий оламининг мажмуи булиб, жамиятнинг,миллатнинг, айрим кишининг ички хаёти, рухий кечинмалари, аклий кобилияти, идрокини мужассамлантирувчи тушунчадир. Маънавият инсон ва жамият маданиятининг негизи, инсон ва жамият хаёти маълум йуналишининг бош омилидир. У муаян ижтимоий-иктисодий хаёт тизимининг шаклланиши, узгариши ёки инкирозга юз тутишига кули таъсир курсатади. Маънавият бойиб борса, жамият равнак топади, кашшоклашса таназуллга юз тутади. Бой маънавиятсиз буюк давлат куриб булмайди.Маънавият кенг тушунча булиб, маърифат, маданият тушунчаларини хам уз ичига олади,

Маънавиятнинг жамият тараккиётидаги мухим урнини эътиборга олиниб, Президентимиз И.А.Каримовнинг фармони, Вазирлар Махкамасининг карори билан Республикада "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази ташкил этилди.

1996 йилнинг 4 сентябрида Президентимиз Республика "Манавият ва маърифат" жамоатчилик маркази рахбарияти ва бошкаруви аъзоларини кабул килди ва шу йилнинг 9 сентябрида "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тугрисидаги фармонни имзолади. Хозирги кунда барча вилоят, туман ва шахарларда "Маънавият ва маърифат" марказларининг булимлари ишлаб турибди. Бундай булимлар Олий укув юртларида хам фаолият курсатиб, миллий урф-одатларимизни, умуминсоний кадриятларимизни тиклаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмокда.

Маданий мерос маънавиятимизнинг таркибий кисмидир. Маданий-маънавий мерос авлод-аждодларимиз томонидан неча асрлар давомида яратилиб, авайлаб-асраб келинаётган буюк хазинадир, кадриятдир. Маънавиятимизнинг ривожида маънавий мероснинг урни нихоятда мухимдир. Бизнинг халкимиз бой маънавий меросга эга булиб, бу аждодларимизнинг, буюк мутафаккирларимизнинг ижоди, асраб-авайлаб келинаётган маросимларимиз, удумларимиз, одоб-ахлокка доир фазилатларимизда узининг ифодасини топган.

“Маънавий” шарк халклари фалсафасида, ислом дини карашлари буйича изохланганда инсоннинг муаян рухий камолоти, унинг йул-йуриклари ва усулларидир. Рухий камолот - бу муаян ички эхтиёжларни шакллантириш, тарбиялаш, ривожлантириш демакдир.

Демократик жамиятнинг маънавий асоси - бу хар бир шахс ва бутун миллатнинг ички рухий камолотидир. Рухий камолот эса бу инсоннинг инсонийликни англаши, билиши, идрок этишидир. Хар бир инсоннинг бу дунёда яшашдан маъноси ва максадини билишга, тушуниб етишга интилиши, бу борада дунёвий ва диний сабокларни эгаллаш учун таълим ва тарбия билан боглий харакатлари маънавиятнинг асосий негизини ташкил килади. Маънавиятнинг маърифат билан богликлиги хам бежиз эмас.

“Маънавият” сузининг узаги маънодир. Демак, маънавият бу инсоннинг яшашнинг мохияти, максадини билиши, хис килиш, рухан англаши ва суз оркали ифода этишидир. Маънавият бу инсонларнинг инсонлар билан булган муносабати масаласидир. Бу инсонлар олдидаги узининг инсонийлик бурчини рухан англаш, хис килиш демакдир. Маънавиятлилик белгилари хар бир инсоннинг узини миллат, халк билан бирлигини, утган авлодлар рухига нисбатан бурчини, вазифаларини, хозирги ва келажак авлодлар олдидаги бурчини англашдир.

Узбекистон халкларининг куп асрлик тарихида ислом дини, унинг гоялари, акидалари билан бир каторда маросимлари хам маънавиятни шакллантиришда мухим омил булган. Халкимиз инсонни рухий тарбиялаш оркали комил инсонни шакллантиришга алохида эътибор берганлар. Комил инсонни тарбиялаш борасидаги харакатларда алломаларимизнинг яратган мактаблари, жумладан Фаробий фалсафаси, Замахшарий, Ибн Сино, Беруний кабиларнинг илмий мероси, Яссавий, Нажмиддин Кубро, А.Темурнинг насихатлари, Накшбандийлик гоялари катта ахамиятга эга булган. Бу алломалар бутун фаолиятлари билан мусулмончиликни инсонийлик билан боглашга харакат килганлар.

Хозирги шароитда маънавият масаласини тушунишда, максадини англашда президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари хам катта ахамиятга эга. Мустакиллик йилларида миллий маънавият ва ахлокнинг тикланиши учун барча шароитлар яратилди, ижтимоий адолат тамойиллари карор топди, оилага эътибор кучайди. Маънавият йулидаги энг мухим масала бой меросимизни урганищдан хам иборат булиб колди. Бундан кузланган максад кишиларда янгича фикрлашни шакллантириш, инсофли, диёнатли инсонни тарбиялашдир. Инсоннинг комиллиги унинг факат моддий эмас, маънавий бойликлар эгаси булиши билан хам белгиланади. Шундагина инсонда факат узи учун эмас, юрт учун, халк, миллат учун кайгуриш туйгуси шаклланади.

Тарихий тажрибага кура хар бир мамлакат демократик жамиятни уз йули билан куради. Демократик жамиятнинг тайёр, хаммабоп андозаси йук. Хар бир мамлакатда демократик жамият курилишида шу мамлакатда яшовчи халкларнинг маънавиятини, шу борадаги тажрибасини албатта хисобга олиш керак. Демократияни маънавиятсиз тасаввур этиб булмайди. Демократия хар бир фукаронинг эл, юрт, ватан олдидаги бурчини, маъсулиятини чукур англаш хам демакдир. Буни маънавиятсиз руёбга чикариб булмайди. Бирор бир гояни рухан хис этиш, уни муаян харакатлар билан ифода этиш маънавият билан богликдир. Маънавийлик билан демократиянинг уйгунлигига эришиш, Узбекистонда миллат фаровонлиги, мамлакат равнакининг мухим омилларидандир.

## Дин ва миллий кадриятлар, уларнинг жамият маънавий, ахлокий покланишидаги урни.

1. Кадрият, унинг тушунчаси ва мазмуни.
2. Узбек халки ижтимоий хаёти, маданияти, ахлокининг шаклланишида диннинг тутган урни.
3. Мустакиллик даври, демократик жамият куриш жараёнида динга, хусусан исломга булган муносабатларнинг тубдан узгариши ва унинг ахамияти.
4. Исломий кадриятларнинг маънавиятимизни кайта тиклашдаги ахамияти.

Демократик жамият куриш жараёнида жамият маънавий юксалишининг мухим омилларидан булган кадриятга эътибор ортиб бормокда.

Кадрият дейилганда факат утмиш даврлар учун мухим ахамият касб этиб колмасдан, хозирги кун ва келажакдаги тараккиётга хам ижобий таъсир курсатадиган, кишилар онгига сингиб, ижтимоий ахамият касб этадиган моддий, маънавий, табиий, диний, ахлокий, фалсафий ва бошка бойликлар мажмуасидир.

Кишилик жамияти тараккиёти ва истиклоли учун ахамиятли булган ижтимоий, маънавий ходисалар кадриятлар жумласига киради. Кадрият деган тушунча кадр-киммат деган маънони билдиради.

"Кадрият" атамаси арабча "кадр" сузидан олинган булиб, бирор бир нарса ва ходисанинг жамиятда, кишилар уртасидаги ахамиятини ифода этиш учун куланилади. Биз утмишдан хамма нарсани шундайлигича, кадрият сифатида кабул кила олмаймиз. Хар кандай мерос чукур танкидий тахлилга, ижодий ривожлантиришга, бойитишга мухтождир.

Кадриятлар моддий, ижтимоий-сиёсий, маънавий хамда ижобий, салбий туркумларга булинади, хар бир миллат, ижтимоий гурух, шунингдек хар бир тарихий давр яхшилик, адолат, эркинлик ва шу каби кадриятлар хакида

уз тасаввурларини яратган. Шунингдек умуминсоний кадриятлар мавжудки, уларсиз инсон камолотга етиша олмайди.

Демак, кадриятлар муаян моддий нарсалар, маданий маъавий рухий ходисаларнинг узига хос хусусиятларини эмас, балки уларнинг жамият хаётида тутган урнини ахамиятини ифодалайди. Дин билан боглик кадриятларни хам диний гоялар, акидалардан эмас, унинг жамиятда, инсон хаётида тутган урнидан кидириш керак. Юртдош-ларимиз узларининг бой тарихи давомида динларга хурмат билан караганлар ва уз даврларига доир ижобий кадриятларни ривожлантиришда ундан самарали фойдалан-ганлар.

Эрамиздан аввалги XVI-XIV асрларда вужудга келган ва ислом кириб келгунга кадар мавжуд булган зардуштийлик динида мехнатсеварлик, рухий покланиш, эзгулик, ватанпарварлик, яхшилик билан боглик кадриятлар улугланган. Мехнат ахлокий согломлик, эзгулик манбаи деб хисобланган. "Авесто"да маънавий-ахлокий баркамол одам, эзгуликни баркарор кила оладиган, адолатпарвар инсонни шакллантириш гояси марказий уринни эгаллайди. "Авесто"да жумладан куйидаги сузлар бор: "Олам гузаллиги дехкондан, кимки ерга уруг кадабди, у одамийликка имон келтиради, ягона шу йулгина хакикат булиб, колгани саробдир". Бу динда иймон масаласи хам катта урин олган бу гоя бошка динларга хам самарали таъсир курсатган. Эрамиздан аввалги IV асрда вужудга келган, Кушон империяси хукмронлиги даврида бизнинг юртимизда хукмрон дин булган буддийлик дини хам маънавий-маданий, ахлокий кадрият яратиш борасида мухим урин эгаллаган.

Республикамизда мустакиллик кулга киритилгач, коммунистик макура якка хокимлигига бархам берилгач динларга, хусусан ислом динига муносабат тубдан узгарди. Дунёвий максадлар йулида динга карши курашлардан, хакорат килишлардан воз кеилди. Аксинча, динга илмий ёндошув, хурмат билан караш карор топди. Бу демократик жамиятнинг талабларидан биридир. Динга булган муносабатнинг узгариши, хусусан исломга булган янгича карашларнинг шаклланиши табиийй равишда унинг тарихимизда тутган урнини, ахамиятини илмий равишда урганишга кизикишни хам оширди.

Тарих шундан гувохлик берадики, Узбекистон халклари ислом билан боглик фалсафий билимлар, илохиётчиликка оид билимлар, илохиётчиликка оид таълимотларнинг ривожланишига катта хисса кушганлар. Фаробийнинг бахт хакидаги карашлари, Берунийнинг динлар тарихига оид фикрлари, Ал-Бухорий ва Ат Термизийларнинг туплаган хадислари, Бурхониддин Маргилонийнинг "Хидоя" асари, А.Навоийнинг адабий ижоди, буюк шайхлар ижодига багишланган махсус рисоласи, Ахмад яссавий, Нажмиддин Кубро, Ахдухолик Гиждувоний, Бахуддин Накшбанд кабиларнинг хаёти, тарикатчилик, суфизм гояларини яратиш борасидаги катта хизматлари мисол була олади. Улар диндан шахсий максадлар йулида фойдаланишни катъий коралаганлар. Исломни маънавий-ахлокий, фалсафий, умуминсоний кадриятлар билан бойитган алломаларимизнинг номлари бутун ислом оламида хам машхурдир.

Узбекистон халкларининrXIII асрлик тарихи ислом дини билан узвий боглик. Юртимиз худудида ислом хукмрон динга айланган даврданок уни уз даврининг илгор карашлари билан бойитишга, замон талабларига жавоб бермайдиган унсурлардан халос этишга, исло дини оркали инсон акли ва заковатини пешлашга интилганлар. Бундай интилишлар айрим динпарастларга, жохилларга ёкавермаган. Уша даврдаёк иймон ва ирода эркинлигини ёклаган, хозирги кунда хам ахамиятини йукотмаган исломий билимлар вужудга келган.

Бу даврда одамларнинг жамиятдаги фаолликлари, уларнинг адабиёт ва санъат асарларидан бахраманд булишига интилишлари, фойдали мехнат билан шугулланишлари, рухий покланишга, одамийликка интилишлари мусулмон талаблари билан узвий богланган. Уз навбатида бу исломий кадриятларнинг шаклланишига сабба булган. Масалан, ислом таълимотига кура энг олий ва энг хурматли мавжудод инсондир. Демак, инсонга мухаббат бу худога мухаббатдир. Оламни билиш - бу худонинг кароматини ва улуглигини билишдир. Оллох - мукаммаллик, эзгулик, яхшилик, гузаллик, улугворлик намунасидир.

Ислом хакида маълумотларга эга булишда Куръон, Хадис ва илохиятчилик манбаълари мухим ахамиятга эга. Шоирлар, олимлар, авлиёлар, уламолар бу манбаъларга мурожаат этиб, исломнинг умуминсоний кадриятлилик мохиятини улуглашган, шархлашган.

Хозирги кунда исломий кадриятлар яратиш борасидаги боболаримизнинг тажрибаларини урганишга, Куръон, Хадис ва у билан боглик асарларни урганишга катта ахамият бермокдамиз. Исломий кадриятлар - бу инсоннинг рухий холатларини тарбиялаш, бошкариш, миллий, умуминсоний хисларни шакллантириш борасида аждодларимиз яратган буюк асар намуналаридир. Шуларни эътиборга олиб давлатимиз демократик жамият куирш жараёида исломий кадриятларни урганишга имконият яратиб бермокда.

## Ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш - янги жамият куришнинг мухим шарти.

1. Ватан тушунчаси ва унинг мазмуни. Ватанпарварлик рухида тарбиялашнинг бош вазифаси.
2. Ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялашнинг демократик жамият куришдаги ахамияти.
3. Хозирги шароитда ватанпарварликни намоён булишининг узига хос томонлари.

Ватан атамаси аслида арабча суз булиб, она юрт маъносини англатади. Ватан тушунчаси кенг маънода ва тор маънода кулланлади. Бир халк вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг аждодлари азал-азалдан истикомат

килган назарда тутилса, кенг маънодаги тушунчадир. Киши тугилиб усган уй, махалла, кишлок назарда тутилса, бу тор маънодаги тушунчадир. Ватан тушунчаси маълум халкка тегишли худуднигина ифода этмай, унинг табиати, ахолиси, узига хос тарихий тараккиёти, тили, маданияти, турмуши, урф-одатларини ифода этадиган тушунча хамдир. Ватанпарварлик ватанган мухаббат билан боглик, уни узида ифода этувчи инсоннинг энг мухим фазилати, хис туйгусидир. Ватан тушунчаси тарих давомида ижтимоий-иктисодий тараккиёт муносабати билан узгариб, кенгайиб, ривожланиб, бойиб борган. Масалан, ибтидоий жамоа тузуми даврида муаян кабила яшаган жой уша кабиланинг Ватани хисобланган. Жондош ва тилдош кабилаларнинг узвий иттифокидан элат пайдо булган, элат яшаган худуд эса эл деб аталган. Муаян худуд доирасида марказий бошкарувнинг пайдо булиши билан Ватан тушунчаси элат, яъни халк ва давлат тушунчаларини камраб олган. Кишилик тараккиётининг хозирги боскичида ижтимоий гурухларнинг энг ривож топган бугинлари - бу миллатдир. Узбекистон Республикаси аввало узбек миллатининг, колаверса юртимизда истикомат киладиган бошка миллат кишиларининг хам ватанидир.

Ватан тушунчасининг кандай маънони англатишида мафкуранинг роли хам каттадир. Собик иттифок даврида хукмрон коммунистик мафкура, мустабид тузум таъсирида бутун иттифок худудини она ватанимиз деб талкин этганмиз. Бу даврда Узбекистонни ватаним деб талкин этган кишини миллатчи деб айблаганлар. Факат мустакиллигимиз шарофати билангина "Узбкистон - менинг она юртим, ватаним" дб айтиш имкониятига эга булдик.

Ватанпарварлик она заминга мухаббатдан, унинг худудини саклашдан, кадрланган маънавий-ахлокий сифатларга садокатдан, миллий, маданий, табиий бойликларини авайлаб асрашдан, унинг тараккиёти, гуллаб-яшнаши учун фидоийлик килишдан, унинг шаънини, кадр-кимматини саклашдан, керак булса унинг эрки йулида жон фидо килишдан иборатдир. Ватанпарварлик уни факат узи учун эмас, келажак авлод учун асраб-авайлашдан хам иборатдир. Нозим Хикмат ёзганидек "... Ватан дегани - факат оталарнинг хоки колган жой эмас. Менинг учун Ватан - одамни одам килган жойдир".

Ватан тушунчаси бизнинг халкимиз учун хамиша мукаддас булиб келган. Киндик кони тукилган жойга садокат халкимизда азалдан одат булган. Халкимиз асрлар давомида неча-неча боскинчилардан ватан тупрогини поклаш учун курашган, кийинчиликларга бардош берган, гуллаб-яшнаши учун фидойилик килган. Ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялашда тарих, география, маданиятшунослик, адабиёт фанларининг роли каттадир.

Бизнинг авлод-аждодларимиз, айникса илм-фан борасида мактаб яратган алломаларимиз кишиларни ватанпарварлик рухида тарбиялашга катта эътибор берганлари, узлари эса ватанпарварлик намуналарини курсатганлар. Уларнинг айримлари ватанларидан йирокда ижод этсаларда, уз тахаллусларини киндик кони тукилган жой билан боглаганлар. (Бурхониддин Маргилоний, Фаргоний, Хоразмий, ...)

Мустакиллигимиз даврида юртбошимиз етакчилигида ватанпарварлик масаласига алохида эътибор берилмокда. Ватанпарварлик туйгуси бизнинг давлат рамзларимизда хам уз ифодасини топган. Давлат микёсида фукароларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш учун мухим тадбирлар белгиланди. 1992-93 й. аскар кушиги учун танлов, 1996 й. Ватанни мадх этувчи кушиклар танлови утказилди. И.А.Каримовнинг "Узбекистоннинг уз истиклол ва тараккиёт йули" асарида куйидаги сузлар бор: "Узбекистон фукаросининг ватанпарварлиги - бу катта узгаришлар йулини курсатувчи, кузлангаи максаддан четга чикмайдиган йулчи юлдуз, ишончли компасдир".

Мустакиллигимиз туфайли Ватан, ватанпарварлик тушунчалари янгича йуналиш ва мазмунга эга булди. Узбекистон дунёдаги барча узбеклар ватанидир. Ватанпарварлик Узбекистонда демократик жамият куриш билан боглик фидоийликдир, демократикислохотларни амалга оширишдаги онмиликдир.

Демократик жамият куриш талабларига кура, хозирги ёшларнинг, айникса талабаларнинг вазифаси замонавий билимларни ва мутахассисликларни тула эгаллашдир.

Ватанпарварлик хар бир фукаронинг халк, миллат, Ватан олдидаги бурчини, масъулиятини бутун вужуди билан хис этиши, шунга асосланиб яшаш демакдир.

Ватанпарварлик мамлакатимизда тинчлик-тотувлик, сиёсий баркарорлик, жамиятнинг муттасил ривожланиши, хар бир инсон камолотининг таянчидир. "Ватанни севмок иймондандир" деган фикр бор. Иймонли, эътикодли одамда ватанпарварлик туйгуси хам мустахкам булади.

**Миллий ва халкаро хавфсизликни таъминлаш муаммолари.**

1. Халкаро ахвол, Узбекистоннинг политик шарт-шароитлари.
2. Узбекистоннинг миллий хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари.
3. Узбекистон мудофаа доктринасининг кабул килиниши ва унинг асослари.

Маълумки собик иттифок даврида мафкуравий жихатдан бир-бирига зид булган собик СССР ва АКШ етакчилигидаги социалистик ва капиталистик тузум мавжуд булиб, бу икки блок, яъни НАТО (1949 й.) ва Варшава шартномаси (1955 й.) уртасида кураш мавжуд эди. Дунёнинг хавфсизлиги хам шу икки блокнинг узаро муносабатлари мувозанатига боглик эди. Собик иттифокнинг тугатилиши натижасида янги гоят мураккаб, калтис бир вазият юзага келиб, унинг асосий белгилари куйидагилар булди:

1. Давлатлараро муносабатлари тизимидаги мувозанат бузилди. Дунёда сиёсий, иктисодий булиниш руй берди. Илгари кучлар маркази икки жойда булса, иттифок таркалгач халкаро ахвол узгарди.

2. Жахонда мулкий тенгсизлик саноати ривожланган давлатлар билан ривожланаётган давлатлар уртасида зиддиятлар кучайди.

3. Жахонда инсониятнинг биологик тур сифатида яшашида ёки ядро уруши хавфи анча камайган булсада, экологик танглик хавфи, биогенетик бузилишлар хавфи сакланиб колди.

4. Дунё микёсидаги умумий тараккиёт, одамлар дунёкарашининг узгариши, халкаро муносабатлар ривожланиши, коммункациялар юксалиши ва уларнинг инсоният хаётига таъсири давлатлар ва халклар уртасидаги узаро бирлашишни кучайтирди. Эндиликда турли давлатлараро ва хукуматга дахли булмаган ташкилотлар ахамиятининг ошаётгани, дунёнинг янги тизимга утиши даврида, уларнинг фаолиятини кайта ислох этишнинг заруриятини тугдирди.

5. Дунёдаги хар кандай мамлакатнинг обруйи бугунги кунда унинг энг янги технологияларни кабул килиш ва фойдаланиш савиясига караб белгиланади.

Узбекистоннинг жахон хамжамиятида муносиб урин эгаллашида унинг хаконий шарт-шароилари хам катта роль уйнайди. Бунда куйидаги холатларни алохида курсатиш мумкин:

1. Узбекистон Марказий Осиёнинг транспорт, кучли энергетика, сув тизимлари марказида жойлашган.

2. Узбекистоннинг ахоли сони, илмий-техникавий ва бошка жихатлари буйича уз кушниларидан маълум устунликлари бор.

3. Кулай табиий шароитига эга булиб, кадимий дехкончилик маданияти, бой минерал угитлар ресурслари мавжуд.

4. Втанимиз нефть, нефть махсулотлари, газ тармокларини четга хам чикариш имкониятига эга.

5. Узбекистон инсон тараккиётида салмокли уринни эгаллаб, узининг бой маънавий мероси билан дунёда хам маънавий, сиёсий жараёнларга узининг кучли таъсирини утказиб келган.

Демак, Узбекистон барча сохалар буйича Марказий Осиёда интеграция марказига айланиши мумкин.

Узбекистон учун бир катор камчиликлар хам мавжуд:

1. Узбекситон географик - стратегик жихатдан карганда, Марказий Осиёда сув ресурслари танкислиги, Орол экологияси таъсири кучайган худуддир.

2. Марказий Осиёда коммуникациялар ривожланмаган ва унинг тармоклари талабга жавоб бермайди.

3. Минтакада хавфсизлик тизими йулга куйилмаган.

4. Мусулмон дунёсидаги баъзи давлатларнинг бир-бирига мос клмайдиган мафаатлари бизнинг минтакамизда хам содир булиши мумкин.

5. Мустакил булсакда, собик иттифок давридан мерос булиб колган уз сиёсатини, хукмронлигини урнатишга интилишлар хам буткул йукотилмаган.

Узбекистоннинг миллий хавфсизлигини таъминлаш бизлар учун гоят мураккаб шароитда давлатчилигимизни куришдан, мустакиллигимизни мустахкамлашдан, бозор иктисодиётига утиш, жахон хамжамиятига кушилиб бориш жараёнимизни таъминлашдан иборатдир.

Республикамизнинг миллий хавфсизлигини таъминлашнинг тамойиллари куйидагилардир:

Биринчидан, Узбекистон жахон хамжамияти ва давлатлараро хавфсизлик тизимида уз урнини топиши, бунинг учун жахон хамжамиятига кириш жараёнларини тезлаштиши, турли халкаро ва назорат ташкилотлари, биринчи навбатда БМТ ва Оврупо хавфсизлик ва хамкорлик ташкилоти шларида республиканинг фаол иштирокини таъминлаши лозим. Халкаро ташкилотлар фаолиятида Узбекистоннинг иштироки иктисодиётимизни кайта куришга катта ёрдам беради. Бу ташкилотлар оркали карз (кредит) олиш, хорижий сармояларни тугридан-тугри жалб этишга, жахон бозорига чукуррок кириб боришга имкон беради. Халкаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироки оркали миллий хавфсизликни таъминлашга, минтакада баркарорликни яхшилашга имкон беради. Минтакамизда хавфсизликни таъминлашда Европа хавфсизлик ва хамкорлик ташкилотининг имкониятларидан фойдаланиб, унинг Шимолий Атлантика хамкорлик Кенгаши, Оврупо Иттифоки, Оврупо Кенгаши, НАТО ва бошка ташкилотлари имкониятларидан фойдаланишга харакат килмокда

Иккинчидан, миллий хавфсизликка эришишда давлатлараро битимлар тизимини барпо этиш мухим йуналиш хисобланади. Узбекистон канчалик куп давлатлар билан дустона муносабатларни урнатса, хавфсизлигимиз хам шунчалик кафолатланади. Хозир Узбекистон 120 дан ортик давлат билан дипломатик муносабатлар урнатган, 35 та чет мамлакат элчихоналари очилган, 19 та хорижий мамлакатларнинг элчиси Узбекистон Республикасида уриндошлик йули билан иш олиб бормокда, Республикада 88 та давлат ваколатхоналари руйхатдан утган, 24 та хукуматлараро ташкилот, 13 та нохукумат ташкилоти ишлаб турибди. Купгина давлатлар билан икки томонлама, куп томонлама шартномалар имзоланган.

Учинчидан, бу имзоланган давлатлараро битимларга сузсиз амал килиш - хавфсизлик кафолати ва шартидир.

Туртинчидан, миллий хавфсизлигимизни хар кандай мафкурадан холи этиш, хавфсизликни таъминлашда ягона гояга амал килишнинг шартлиги. Ягона гоянинг маъноси - биргаликда тинч хаёт кечириш, хамкорликка интилиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, турли фикр ва назарияларга бардошли булишдир.

Бешинчидан, Узбекистоннинг кушилмаслик харакатига аъзо булгани, яъни ъеч кайси харбий блокка кушилмаслиги миллий хавфсизлигимиз учун гоятда мухимдир. Мисол: Узбекистон 1994 й. июлида НАТОнинг коллектив

хавфсизликни таъминлашга каратилган “Тинчлик йулида хамкорлик” дастурига кушилди.

Олтинчидан, Узбекистоннинг МДХ таркибида коллектив тизимидаги иштироки минтакада миллий хавфсизликнинг, яъни баркарорлик ва тинчликнинг мухим тамойилидир.

Еттинчидан, коллектив хавфсизлик тизимини мустахкамлашда харбий хавф билан бирга бошка хавфлар хам борлигини эсдан чикармаслик керак. Мисол: Орол денгизининг куриётгани, уюшган жиноятчилик, наркобизнес, минерал ресурсларнинг чекланганлиги ва ...

Саккизинчидан, Марказий Осиё давлатлари билан икки ва куп томонлама хамкорлигимиз миллий хавфсизлигимизнинг мухим шартларидан биридир.

Туккизинчидан, миллий хавфсизлигимизни таъминлашда давлатимизнинг мустахкамлиги, кудрати, унинг жахон жамоатчилиги олдидаги маънавий-ахлокий киёфаси мухим роль уйнайди. Шунинг учун Республикамиз Президентимиз етакчилигида маънавий ва маърифат ишлари даражасини яхшилашга харакат килинмокда. 1996 й. 10 сентябрда “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолият курсата бошлади, 1997 й. “Инсон манфаатлари”, 1998 й. “Оила йили”, 1999 й. “Аёллар йили” деб эълон килинди.

Узбекистон Республикаси Конституциясида курсатилганидек давлатимиз уз армияси, куролли кучлари ва харбий доктринасини Конституция йули билан амалга оширмокда. Харбий доктрина Узбекистон Республикаси мудофаа сиёсатининг асосини ташкил этади. Бу сиёсат “Мустакиллик Декларацияси”, “Узбекистон Республикасининг Давлат мустакиллиги асослари тугрисида”ги Конун, Узбекистон Республикаси Конституцияси ва бошка бир катор халкаро ташкилотларнинг мажбуриятларига асосланади.

Узбекистон Республикаси Конституциясида: “Куролли кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш конун билан белгиланади. Узбекистон Республикаси уз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли куролли кучларга эга” деб курсатилган (81 бет). Натижада Узбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги, Куролли кучлар, Миллий хавфсизлик хизмати ташкил этилган, Ички Ишлар Вазирлиги тузилган. 1992 й. 2 июлда “Мудофаа тугрисида”ги Конун кабул килинди.

Мудофаа доктринасида белгиланганидек: Узбекистон жахондаги биррорта давлатнинг узининг душмани деб хисобламайди, худудий даъвоси йук, халкаро муаммоларни, давлатлараро иктисодий ва сиёсий зиддиятларни уруш йули билан хал этишга карши чикади, жахон хамжамияти давлатлари уртасида харбий можаролар чикишининг олдини олиш, бартараф этиш дипломатиясида катнашишни уз ташки сиёсатининг асосий вазифаси деб хисоблайди. Узбекистон биринчи булиб харбий харакатлар бошламайди, хеч кайси давлатга тахдид солмайди, ядро куролсиз яшаш принципларига амал килиб, уз худудида ядро куролини сакламайди, ишлаб чикармайди, сотмайди ва сотиб омлайди. Шунингдек Узбекистон уч погонада - МДХ, МДХнинг Оврупо хавфсизлик ва хамкорлик ташкилотларига аъзо булган мамлакатлар, БМТ оркали дунё микёсида давлатлар оркали баркарорликни саклаш буйича, тинчликсевар сиёсат, фаолият олиб боради.

Узбекистон куролли кучлари мунтазам кадрлар армияси корпуси асосида курилмокда. “Умумий харбий мажбурият ва харбий хизмат тугрисида”ги 1995 йил 3 июль кунги Конуни ижтимоий адолат ва барча харбий хизматчиларнинг конун олдида тенглиги асосида жамланади ва халкаро хукукий хужжатларнинг умумэътироф этилган меъёрларидан келиб чикиб, халкаро мажбуриятларга катъий риоя этиб харбий мутахассислар, харбий ишланмалар тайёрлайди.

Республикамизда “Узбекистон кахрамони”, “Амир Темур”, “Шон шараф”, “Буюк хизматлар учун” орденлари, “Жасорат” медали таъсис этилган.

Узбекистон Хавфсизлик Кенгаши, Куролли кучлари - давлатдаги олий мансабдор рахбарларнинг маслахат органидир. Республика Хавфсизлиги Кенгаши ва куролли кучлари Узбекистон Президенти хузурида тузилиб, режалаштирилади ва унга Президент рахбарлик килади.